



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 3 июнь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (12.669)

Баҳоси эркин нарҳда



Наманган
шаҳрида
«Барқамол
авлод –
2014» спорт
ўйинларининг
финал
босқичи
яқунланди



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

ЖИЗЗАХДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР, «БАРКАМОЛ АВЛОД!»

Жорий йилнинг 29 май куни катта байрам дастури билан бошланган «Барқамол авлод – 2014» спорт мусобақалари қиз-гин ва мурасиз бахсларга бой бўлди. Беллашуларда спортчилар катта иштиёқ ва шижоат билан иштирок этди. «Навбахор» стадионида порлаган машъала ёшлар калбиди галабага бўлган ишончни алангалатиб турди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодга кўрсатилаётган улкан эътибор ва яратилаётган кенг имкониятларга жавобан юксак ва қатъий мақсад, эзгу орзулар билан буюк келажак сари интилаётган бу ёшлар ҳар қанча олқишга муносиб. Улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган бўлажак ҳаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

«Барқамол авлод» мусобақаларида қатнашган ёшларнинг иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бораётганини ёш спортчиларимиз халқаро майдонларда салмоқли ютуқларга эришяётганида ҳам кўриш мумкин. Ёшларни қилиб қилиб сари ундаётган мазкур спорт анжуманида иштирок этаётганлар орасидан кўплаб маҳоратли спортчилар етишиб чиқди. Улар Олимпиада ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни кўлга киритаётди.

...31 май куни «Навбахор» марказий стадионида ёшлик, барқамоллик байрамига айланган мазкур мусобақалар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ёш спортчи ва санъаткорлар ижросидаги вокал-хореографик композиция билан «Барқамол авлод – 2014» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маро-

симида йигирма мингдан зиёд томошабин олқишлари остида майдонга мусобақа иштирокчилари – Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самараси мусобақа кунлари она шаҳрим Наманганда янада яққолроқ намоён бўлди, – дейди Наманган юридик коллежи ўқувчиси Шахноза Дадамирзаева. – Мусобақаларда иштирок этган ёшлар бу ерга минтақавий босқичлар ғолиби сифатида келишган. Шундай экан, уларнинг ҳар бирини бемалол чемпионлар, дейиш мумкин. Олимпиадада ғолиблик эмас, иштирок этиш муҳим, деган гап бежиз айтилмаган. Бинобарин, «кичик Олимпиада» иштирокчиларининг ҳаммаси ғолиблардир.

Мусобақада энг кўп медаллар жағғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси энг қадри ва юксак соврин – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Барқамол авлод – 2014» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси – «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Наманган ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилоятлари жамоаларига Президент совғаси – «Дамас» автомобиллари топширилди.

– Қалбимдан кечаётган ҳаяжонни сўз билан ифодалаб беролмайман, – дейди Наманган туманидан меҳнат фахрийси Усмон Мухаммадиев. – Ҳозир

ёшларимизни олқишляпману, беихтиёр кўзларим ёшланиб кетмоқда. Уларнинг кўзидаги ўтти, юрагидаги шижоатни қаранг. Шундай ёшлардан фахрланмай, уларнинг ютуғидан ғурурланмай бўладими? Чунки мана шу ёшлар бизнинг келажатимиз.

Спортнинг 16 тури – баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, шахмат, оғир атлетика, бокс, дзюдо, таэквондо WTF, эркин ва юн-рум кураши, сузиш, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, бадий гимнастика бўйича беллашуларда 996 нафар йигит-қизлар иштирок этди. Мусобақалар ҳалол рақобат руҳида ўтди. Эпчил, қаққон ва кучли спортчилар ўз маҳоратини намоён этиб, 652 олтин, қумуш ва бронза медал учун баҳс олиб борди.

– «Барқамол авлод – 2014» беллашулари рекордлар ва унутилмас воқеаларга бой бўлди, – дейди Қашқадарё вилояти терма жамоаси аъзоси, 400 ва 800 метрга югуриш бўйича иккита олтин медал соҳиби Азизбек Самадов. – Мен ўз рекордимни яна бир бор такрорладим. Бу масофага югуриш бўйича 6 қарра Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Мақсадим – халқаро мусобақаларда юксак марраларга эришиб, Ватанимиз шарафини янада улуглашга ҳисса қўшишдир. Ушбу мусобақалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт изчил ривожланиб бораётганини яна бир бор кўрсатди. Бу – Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг барча соҳалар, жумладан, спортда ҳам ўз истеъдодини кенг намоён этиши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар самарасидир.

(Давоми 4-бетда)

15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференция яқунлари мамлакатимизнинг Жакартадаги дипломатия ваколатхонасида Индонезия университетлари форумининг раиси Лаод Камолуддин билан бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳокама қилинди.

ЛАОД КАМОЛУДДИН: «ЮРТИНГИЗДА УЛУҒ АЛЛОМА ВА МУТАФАККИРЛАР МЕРОСИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ТАҲСИНГА САЗОВОРДИР»

У шундай муҳим халқаро конференцияда иштирок этишга таклиф қилингани ҳамда нафақат Осиёнинг, балки бутун дунёнинг энг гўзал мамлакатларидан бирига бориш имконияти яратилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Олимнинг фикр билдиришича, ўзбек халқи ўз аجدодлари – замонавий илм-фан ва цивилизация тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олимлари ва мутафаккирлари билан фахрланишга ҳақлидир.

Лаод Камолуддиннинг қайд этишича, Абу Али ибн Сино, Мухаммад ал-Хоразмий, ал-Беруний, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек қаламига мансуб илмий асарлар бутун дунё ҳамжамияти учун узоқ йиллар давомида тиббиёт, математика, алгебра, астрономия, география, геодезия ва бошқа йўналишларда «йўлларни ёритувчи машъала» сифатида хизмат қилди.

Шунингдек, индонезиялик олим Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритган муваффақиятларини ҳам юқори баҳолади.

– Тошкент замонавий мегаполисида ва қўҳна Самарқанд шаҳрида бўлган чоғларимда истеъдодли ўзбек ёшлари билан суҳбат қураётган эканман, маънавий меросни авайлаб асраш ҳамда ўсиб келаётган авлод вакилларини кўп асрлик миллий анъаналарга ҳурмат-эҳтиром ва садоқат руҳида тарбиялаш юзасидан мамлакатингиз олиб бораётган сиёсат нақадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим, – деди у. – Юртингизда таълим соҳасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилгани, Шарқнинг улуг алломи ва мутафаккирлари ҳамда давлат арбоблари сиймоларига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Мен Самарқанддаги тарихий меъморий обидалар орасида мадрасалар кўп эканлигини пайқадим. Бу юртингизда азал-азалдан, яъни ўзбек халқи ҳаётида тарихан илм-фанга эътибор катта бўлганидан далолат беради. Темурийлар тарихи Давлат музейи билан танишув ҳам менда катта қизиқиш уйғотди. Унинг пештахталаридан буюк сулола даврига оид жуда кўп осори-атикалар жой олган. Қисқача айтганда, мамлакатингизда олам-олам таассуротлар олиб қайтдим.

Учрашув якунида Лаод Камолуддин Индонезия университетларидан бирида «Ўзбекистон бурчаги» ташкил қилишни режалаштираётганини айтди. У, шунингдек, Ўзбекистон ва унинг тарихи, юртимизда яшаб, ижод қилган буюк олим ва мутафаккирлар ҳақида китоб ёзиш ниятида эканлигини ҳам маълум қилди.

«Жаҳон» АА.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Холбой Ҳасанов ва ёш рассом Азиза Расулованинг «Устоз – шогирд ижодида ранглар жилоси» номли тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

• Каттакўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида ФХДЁ бўлими янги биноси фойдаланишга топширилди. Бино «Икром» хусусий қурилиш корхонаси томонидан бунёд этилиб, унга 514 миллион сўм маблағ сарфланди.

• Бухорода фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг жорий йилги финал босқичида Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касбхунар коллежининг «Бургут» жамоаси биринчи ўринни кўлга киритган эди. Ғолибларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғаларни топширишга бағишлаб Янгиариқда ўтказилган тадбирда мазкур жамоа аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида «Соғлом бола – юрт таянчи» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Қизамиққа қарши янги синовдан ўтказилган «ERDRP-0519» тиббий воситаси йилига ўртача 150 минг кишининг ёстиғини қуритувчи қизамиқ эпидемиясига бутунлай барҳам бериши мумкин. Тажриба муаллифлари бўлмиш Эмори ҳамда Пол-Эрик институт олимлари бу ҳақда маълумот тарқатдилар. Мазкур тиббий восита қизамиқ вируси концентрациясини камайтириш қувватига эга.

• Францияда ўтказилган йирик лотерея тиражида омадли фуқарога 11 миллион евролик улкан ютуқ насиб этди.

• Ортиқча вазнга эга аҳоли ҳақида гап кетгудек бўлса, хаёлга АҚШ ёки Мексика келади. Айниқса, Ирландияда аҳвол бундан ҳам жиддий. Бу ерда эркакларнинг 90 фоизи, аёлларнинг эса 84 фоизи ортиқча вазнга эга. Ундан кейинги ўринларни Чехия, Испания ва Польша эгаллаб, уларда бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил қилади. Буюк Британияда эса бу рақам 75, Голландияда 47, Бельгияда 44 фоиз атрофида.

Унда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил биринчи чорак яқунлари бўйича ижроси кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича 2014 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш, дебитор ва кредитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймасликни таъминлаш таъкидланди.

Шунингдек, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни қўлайтириш ва бу борада масъул ходимларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирларни кўриш лозимлиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2014 йил иккинчи чорак ва йиллик даромадлар прогноз кўрсаткичларини сўзсиз ва барча манбалар бўйича сифатли ижросини таъминлаш, қўшимча солиқ базаларини аниқлаш, бюджетга боқиманда қарздорликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш кераклиги қайд этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Сессияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан туман ҳокимликларига ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тош-

кент шаҳар бўлимига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларни ўз муддатида бажарилиши, олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида фуқаролар йиғинларининг биносини таъмирлаш, жиҳозлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ички ишлар бош бошқармаси билан биргаликда маҳалладаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича фуқаролар йиғинларининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси иш фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш белгиланди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ йилнинг ҳар чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳафтада ҳокимлик тизимига кирувчи давлат бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича фуқаролар йиғинларида ҳисобот берилишини ташкил қилиш қайд этилди.

Сессия кун тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги «2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида саноатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш ва шу мақсадда инвесторларни жалб қилган ҳолда ҳаётан бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг ижроси кўриб чиқилди.

Ушбу муҳим масала бўйича олиб борилган ишлар маълумот ўрнида қабул қилиниб, дастур асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тармоқ жадалларида мувофиқ бажарилиши ва инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, «2014-2016 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича инвестиция лойиҳаларининг мавжуд муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ва уларнинг ишга туширилишини таъминлаш масалалари кўрилди.

Шу билан бир қаторда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш, саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳисобида шаҳар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оши-

риш ишларининг қатъий назоратга олиниши белгилаб қўйилди.

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан иқтисодиётда, банк ва молия тизимида ислохотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинган қонунчилик-меъёрий ҳужжатларнинг ижроси қатъий назоратга олиниши таъкидланди. Бунда асосий эътибор пул муомаласини бошқаришни такомиллаштириш, банклар капиталининг ўсиши ҳисобидан иқтисодиётнинг реал секторида инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларга ишончини орттириш, банк ходимлари масъулияти ва маданиятини ошириш борасида таъсирчан чораларни амалга оширишга қаратилди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига тегишли бошқарма ва туман ҳокимликлари билан биргаликда йирик хусусийлаштирил-

фаолият юритишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини рўй-ба-чиқаришнинг бориши хусусида зарур ахборотни аҳолига ўз вақтида етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш чораларини кўриш қайд этилди.

Бундан ташқари, ҳар ойда камида бир марта иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва чора-тадбирлар ижросини танқидий ўрганиш, туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама этиб бориш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш чораларини кўриш лозимлиги таъкид-лаб ўтилди.

Туман ҳокимлари, бошқарма, идора, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида, янги иш ўринлари яратиш параметрларини ва касб-хўнара коллежлари битирувчилари бандлигини

таъминлаш даражаси ва сифатига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Сессияда умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хўнара коллежларига қамраб олиш ҳамда касб-хўнара коллежлари битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан Халқ таълими бош бошқармаси ва Ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармасининг ҳисоботлари муҳокама этилди.

Мазкур масала муҳокамаси жараёнида тегишли тузилмалар томонидан умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олиш юзасидан аниқ чоралар белгиланган, уйда яшаш тартибда таълим олган ҳамда махсус мактаб, мактаб-интернатларнинг битирувчиларини яшаш ман-зилига яқин бўлган ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасаларига жойлаштириш ҳамда уларнинг таълим олишлари учун етарли шaroитлар яратиш чораларини кўриш белги-ланди.

Бундан ташқари 2013-2014 ўқув йилида касб-хўнара коллежларини битирувчиларнинг иш жойларини олдиндан белгилаб қўйиш юзасидан уч томонлама шартномаларни имзолаш ишлари охирига етказиш, уларни эгаллаган касбига мувофиқ ишга жойлаштириш борасида бел-гиланган тадбирларни ўз вақтида самарали ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлашти-риш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Шайхонтоҳур ва Сергели ту-манлари ҳокимликлари томонидан амалга оши-рилган ишлар кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзаси-дан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Холиев. — Биз шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда оромгоҳимизни барча талабаларга жа-воб берадиган тарзда таъмирлаб, шинам ётоқхоналар, кўрса кўз қувнайдиган маъна-вият-маърифат хонаси, биринчи ёрдамга шай турган тиббий хонаси, ошхона, ўндан ортқ туғараклар фаолиятига мўлжалланган хоналарни тахт қилиб қўйдик. Бундан таш-қари содир бўлиши мумкин бўлган турли но-хуш ҳодисаларнинг олдини олиш, болажон-ларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам барча чора-тадбирлар кўриб қўйилган.

Семинар давомида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси вакили М.Бозорбоев, Ёнгин ҳавфсизлиги бошқармаси ходими С.Султонов, Фавкулдада вазиятлар бошқар-маси бошлиғи ўринбосари Х.Бобонов ва бошқалар оромгоҳларга келаётган болажон-ларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, ёнгин-ларнинг олдини олиш, фавкулдада ҳолатлар-да қандай ҳаракатланиш зарурлигини тушу-н-тирдилар ҳамда бу борада-ги ўринли маслаҳатларни бе-риб, фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Сўнг тадбир иштирокчилари шўбалаарга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар ва ўзаро тажриба, фикр алмаш-ган ҳолда ёш авлоднинг дам олдириш, соғлигини мустаҳ-камлаш, оромгоҳлар фаоли-ятини ташкиллаштиришда амалий-ўслубий ёрдам бериш, бир-бирларини қўллаб-қув-ватлаб, ҳамкорликда иш олиб боришга ке-лишиб олдилар.

— Болажонларнинг энг сеvimли фасли бўлган ёзда оромгоҳлар билан ҳамкорлик-да турли спорт мусобақаларини ташкил этиб, уларнинг спорт билан шўғулланиш-лари учун имконият яратамиз, — дейди Бо-лажон спортини ривожлантириш жамағ-расининг Тошкент шаҳар филиали етакчи мутахассиси Маҳбуба Курбонова. — Мусо-бақаларга эса спортнинг турли йўналиш-ларида голиб бўлган тенгдошларини олиб борамиз ва улар маҳорат дарсларини ўтиб, ёшлар қалбида ҳам спортга ҳавас ва инти-лиш уйғотишга ҳаракат қиламиз. Эътибор-лиш, мусобақада голиб бўлган оромгоҳ-да иштирокчиларга жамағра томонидан спорт жиҳозларидан иборат совғалар топшири-лади.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, ўт-казилган анжуман болажонларни баргига олишга тайёр турган оромгоҳларда иш олиб борадиган барча ходимлар учун ҳар томон-лама фойдали ва қизиқарли бўлди.

Шоира МУХАМЕДОВА

САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАР —
ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга йўналтирилганини бозорларимиздаги барак, оилалардаги тўкинлик мисолида аққол кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажминини ошириш, оилалар фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу қарорда етиштирилган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавотни улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолига узлуksиз етказиб бериш ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш бўй-ича бир қатор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижроси юзасидан «Ўзулгуржисавдонинвест» уюшмаси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур уюшманинг асосий фаолияти мамлакатимиз-даги ишлаб чиқарувчилар ва савдо тармоқлари ўртаси-даги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, чекка ҳудудлардаги аҳолига кундалик зарур товарларни қулай шaroит ва нисбатан арзон нархларда етказиб беришда ҳам уюшма муносиб ҳисса қўймоқда.

— 2013 йилда макорон, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида элликка яқин замонавий ки-чик цех ташкил этилди, — дейди «Ўзулгуржисавдонинвест» уюшмаси раиси ўринбосари Раъшан Ҳамидбеков. — Улар-да 10 миллиард сўмликдан зиёд нон ва қандолат маҳсу-лотлари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 3,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди, 5,4 миллиард сўмлик полипропилен қоп, пакетлар ва атир совун истеъмолчиларга етказиб берилди.

Андижон, Фарғона вилоятларида сутни қайта ишлаш, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ун, дуққалик дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, Самарқанд вилоятида ўсимлик ёнгин қадоклаш цехи ишга туширилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақса-дида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқ-чилик ҳўжаликлари ташкил этилиб, 122 гектар интен-сив бог яратилди. Бундан ташқари, 800 гектар ерда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Қаш-қадарё вилояти Косон туманида 100 гектар майдонда тахриба тариқасида тезишар қовун парваришланмоқ-да, 900 гектар ерда шoли экин-режалаштирилган.

Мева-сабзавот ва бошқа экинлар мавсумий бўлганли-ги боис сархил маҳсулотларини жамағариш, уларни турли ва сифатли сақлаш ҳам уюшма тизимидаги корхоналар-нинг доимий эътиборида. Тайёрлов-сақлов омборлари мавсумга талаб даражасида шай қилинса, аҳолини кел-гуси йилга қадар сифатли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-ри билан узлуksиз таъминлаш имкони яратилади. Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мавжуд омборларни реконструкция қилиш ва замонавий совутиш ускуналари ўрнатиш ҳисобида аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлашни янада кўпайтириш мақсадида 23 минг тонна сиймига эга янги омборхоналар қурилиб, қарийб 15 минг тонналик сову-тичлар модернизация қилинган бўлиб, ёрқин далили-дир. Натижада захирга қўйилгандаги маҳсулотларни сақ-лашга ихтисослашган сиймлар ҳажми 116 минг тоннага, совутичли сиймлар 62 минг тоннага етказилди.

— Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида махсус омбор-лар қурилиб, маҳсулотларни сақлаш технологияси та-комиллаштирилаётгани сақланганда мева-сабзавотлар тури ва ҳажми ошишида муҳим омил бўлмоқда, — дей-ди уюшма бўлим бошлиғи Шарофиддин Асоев. — Таъ-кидлаш жоизки, тизимдаги корхоналарнинг омборхо-налари, совутиш ва музлатиш камералари замонавий технологиялар асосида тайёрланган сендвич-панелла-ридан қурилган маҳсулотларни янги ҳосил пишиб ётил-гунча бемалол сақлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ, 2011-2013 йилларда янги қурилиш, реконструкция ва модерниза-ция қилиш ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида 38 минг 440 тонналик замонавий совутич-ли камералар ишга туширилди. Қорақалпоғистон Рес-публикаси, Наманган, Фарғона вилоятларидаги замона-вий, жаҳон андозаларига мос совутичли сиймлар шу-лар жумласидандир. Мисол учун, 2011 йилда Тўртқўл туманидаги «Баракат-Тўртқўл» масъулияти чекланган жа-миятида минг тонналик сиймига эга замонавий совутич-ли омбор ишга тушди. 2012 йилда маҳаллий аъналар асосида табиий усулда қовун сақлаш йўлга қўйилди.

2014-2015 йил қиш-баҳор мавсумида бозорларда нарх-навоининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уюшманинг сақлов базаларида 70 минг тоннадан зиёд картошка, пиез, сабзавот, мева, полиз ва дон маҳсу-лотлари захирасини яратиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда ҳозир фермер ва деҳқон ҳўжаликлари билан шартномалар тузилмоқда.

Бугунги кунда уюшма тизимида тўрт минг икки юз-дан зиёд фирма дўкони, минн-маркет ва супермаркет фаолият кўрсатаётир. Ҳудудларда янги савдо корхона-лари ташкил этилиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми тобора ортмоқда. Мисол учун, ўтган йили Тер-миз шаҳрида, Денов ва Зомин туманларида йирик су-пермаркетлар ишга туширилди. Жорий йилда чакана савдо тармоғини янада ривожлантириш учун тоғли, бо-риш қийин ва олис қишлоқ жойларда юзга яқин фирма дўконини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Уюшма томонидан истеъмолчиларга озиқ-овқат ҳамда нозик-овқат маҳсулотлари қулай шaroит ва арзон нарх-ларда марказлаштирилган тарзда етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 218 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Шундан 50 миллиард сўмдан зиёди олис қишлоқлар ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда яшайдиган аҳолига етказиб берилди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқа-ришни кўпайтириш, қўрсатилаётган савдо хизматлари сифатини янада яхшилаш, ҳалқимизни йил давомида сархил мева-сабзавот билан таъминлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самарасидир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбириТадбирлар
ОЧИҚ
ЭШИКЛАР
КУНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини таъминлаш тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканлиги сир эмас.

Шу боис ҳам кичик биз-нес ва тадбиркорликни ри-вожлантиришга юртимиз-да катта эътибор қарати-лмоқда.

Ҳамза туман ҳокимли-гида тадбиркорлар, ёшлар туман фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир «Очиқ эшиклар кун»и деб номланди. Унда тадбиркорлик субъектла-рини ривожлантириш-нинг муҳим омиллари ҳақида сўз борди. Эъти-борлиси, тадбиркорлик билан шўғулланаётган шахсларга ушбу соҳада юртимизда амал қилаёт-ган қонун ва қарорлар, тадбиркорларга яратил-ган шaroитлар ҳақида ба-тафсил маълумот берил-ди. Шунингдек, тадбир-корларнинг ҳуқуқий са-водхонлигини ошириш, ушбу соҳани мукаммал ўрганишлари шарт экан-лиги таъкидлаб ўтилди.

Яқинда бу борада амал-га оширилиши лозим бўлган вазифалар режаси белгилаб олинди.

(ЎЗ мухбиримиз)

Дунёда жондан азиз болажонларнинг қувончу шодлигига шерик бўлиш, бутун оламни жаранглатишга қодир бўлган беозор кулгулари, ҳайратдан қатнаган беғубор кўзларини кўришдан, орзу-ниятларига йўлдош бўлишдан ортқ бахт бўлмаса керак. Мана, кечатгина ўқув йили ортда қолиб, таътил кунларини интиқлик билан кутган болажонлар бугун оромгоҳларга бориш, мазаза қилиб дам олиш, зилол сувларда яйраб сузиш иштиёқида ота-оналарини шоширмоқдалар.

Бугун уларни бағрига олишга шайланаёт-ган оромгоҳлар мавсумга шайми? Ўғил-қиз-ларнинг кўнгилдагидек дам олишларини таъминлаш мақсадидаги ота-оналарни бугун айнан мана шу савол қизиқтириши табиий.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар каса-ба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Сокол» бо-ларлар соғломлаштириш оромгоҳида мута-сатт идораларнинг масъ-ул ходимларини жалб этган ҳолда ўтказилган ўқув-семи-нарда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғлом-лаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш бо-расида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таш-кил этилган ушбу анжуманда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бошликлари, тарбиячилар, етакчилар ва тасарруфда оромгоҳлар бўлган корхона, ташкилотлар бошланғич касаба уюшма кўмиталарининг раислари қатнашдилар.

Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур, деб бежизга айтилмаган. Бугун озод ва обод юртимизда ўсиб келаётган ёш ав-лоднинг маъна ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун жуда катта сазй-ҳаракат-лар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар каса-ба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан болаларнинг мазмуни дам олишларини ташкил этиш ва соғлом-лаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан олиб бо-риладиган барча режалар ишлар негизда ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсад мужас-сам.

— Жорий йилнинг ёз мавсумида шахри-миздаги умумтаълим мактаблари қиёсда 36 та кундузги оромгоҳлар ва 23 та таътил, жами бўлиб 59 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатади, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташки-

лотлари бирлашмаси Кенгаши маданият-маъ-рифий ва спорт ишлари бўлими мудири Иро-да Ҳикматова. — Ушбу оромгоҳларда 42 минг-дан зиёд болажонлар, шу жумладан Орол-бўйи меҳнатқашларнинг икки мингга яқин фарзандлари соғломлаштирилади. Уларнинг мазаза қилиб дам олишлари учун сўлим ором-гоҳларда барча шарт-шaroитлар муҳайё қилинган. Биз нафакат оромгоҳларда дам оладиган, балки уйда, ота-оналари ёнида

Ёз — ўтади соз

ОРОМГОҲЛАР
БОЛАЖОНЛАРГА МУНТАЗИР

қоладиган болажонларнинг ҳам ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишларини таъмин-лашга тайёргарлик кўриб қўйганимиз. Улар учун шахримиздаги барча маданият ва ис-тироҳат бoғлари, спорт комплекслари ва ма-ҳаллаларда турли қизиқарли ўйинлар, кўрик-танловлар, учрашув ва спорт мусобақалари ўтказилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ша-ҳар корхоналари, ташкилотларининг вилоят ҳудудидида жойлашган оромгоҳларида бола-ларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда, тар-биявий ишларнинг мазмунидан келиб чиқиб, интеллектуал ривожланиш оромгоҳлари, меҳ-нат ва дам олдириш оромгоҳлари, ҳарбий-спорт оромгоҳлари, экологик-биологик, ўлка-шунослик оромгоҳлари, ихтисослашган бола-лар оромгоҳлари каби йўналишлардаги оромгоҳлар фаолият кўрсатади.

— Оромгоҳлар аввало ўғил-қизларнинг мазмуни дам олишлари, шу билан бирга табиат бағрида соғлигини тиклаб бўш вақ-тини фойдаланган машгулотлар билан ўткази-шга хизмат қилади, — дейди «Ўзавтосаноат» АК тасарруфидида «Сокол» болалар соғлом-лаштириш оромгоҳи директори Собиржон

2014 йил — Соғлом бола йили

ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Фуркат номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Бола кўзи билан кўринг дунёни» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Миробод туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирга туманда истиқомат қилувчи имконияти чекланган болалар ва ихтимой ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилди. Бундан ташқари тумандаги таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчилари расм чизиб, бисердан турли буюмлар ясаб, ўз иход намуналарини намойиш қилишди.

Юртимизда болаларни ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги миллий қадрият ва урф-одатларни ёш авлод онгига сингдиришда муҳим омил бўлмоқда. Туманда истиқомат қилувчи болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратилиш, қизиқтирилариш, бўйича тўғри йўналиштириш, спортга жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида туманимизда, жумладан, маҳалламизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Фуркат маҳалла фу-

қаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъмура Иноятова. — Маҳалламиздаги она ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказмоқдамиз. Бундан ташқари маҳаллаларда спорт майдончалари ташкил этилмоқда, мавжудлари таъмирланмоқда. Бугунги тадбирга маҳалламиздаги ихтимой ҳимояга муҳтож оилаларнинг 20 нафар фарзандини таклиф этдик. Болалар учун ташкил этилган тадбир уларнинг юзига кулги, қалбига қувонч улашганидан биз ҳам беҳад мамнунмиз. Болажонларининг кўнгилли дам олишлари таъминланди.

Болаларнинг шўх-шодон кулгулари жаранглаган боғдаги тадбир давомида «Кувноқлар ва зуклолар» спорт мусобақаси ташкил этилди, тумандаги иқтидорли болалар ўртасида «Бола кўзи билан кўринг дунёни» мавзусида расмлар танлови ўтказилди. Бундан ташқари тадбир давомида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан концерт дастури, болажонлар учун эртак қаҳрамонлари иштирокида қизиқарли савол-жавоблар ўтказилди.

Зарина РУСТАМОВА



БОҒДА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда Соғлом бола йили муносабати билан Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган ва хизмат вази-сини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимлар фарзандлари ҳамда Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар иштирок этган тадбирда хайрия концерти намойиш этилди.

— Болалар бизнинг келажағимиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати тарбиявий ишлар бошқар-

Истиқлол йилларининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ёш авлод камолотиغا катта эътибор қаратилиб, уларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

маси инспектори Азизжон Файзиев. — Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол, соғлом қилиб вояга етказиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, истиқлол йилларида юртимизда эртамиз эгаларининг камолоти йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ўз мевасини бераётди. Мазкур боққа ташриф буюрган болажонларнинг чехрасига боқиб, нигоҳларидан мамнунлик ҳиссини кўриш мумкин. Бе-

жизга бола кулса олам мунаввар бўлади, дейишмайди.

— Маданият ва истироҳат боғига бувим ва бобом билан бирга келдик, — дейди жажжи қизалоқлардан бири Мадинабону Носиржонова. — Сўлим боғда айланиб, маза қилдим. Турли хил аттракционларда ўчдим. Бундай байрамлар кўп бўлишини истайман.

(Ўз мухбиримиз)

Ислом Исмоилов олган сурат

клиника ҳамда мактаб бўлимлари мавжуд. Фарзандлари билан тадбирга ташриф буюрган оналарни суҳбатга тортдик.

— Фарзандларининг келажақда соғлом, бакуват бўлиб вояга етишлари ота-онага боғлиқ, — дейди Мамлакат Толипова. — Шу сабабли мен ҳам болаларимнинг соғлом ўсишларига катта аҳамият бериб келаман. Тиш парвариши борасида ҳам белгиланган қоидаларни мунтазам эсла-тиб тураман. Фарзандларим қандай махсулотлар тишларни мустаҳкамлаши, кунига икки маҳал тозалаш лозимлигидан хабардор. Мазкур акция барча ота-оналар каби менга ҳам манзур бўлди.

Тиш касалликлари борасидаги кўникмаларимиз ошди, маълумотлар олдик.

Акция доирасида болалар учун мавзули кўнгилочар ва интерактив ўйинлар, видеоролик намойишлари, ота-оналар билан болаларда тишлар парваришининг ангича усуллари ҳақида суҳбатлар ўтказилди, малакали болалар стоматологари иштирокида маҳорат дарслари олиб борилди. Жажжи болажонларга мультфильмлар намойиш этилди.

Муслима АБДУМАЛИКОВА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёш авлодни соғлом ва комил инсон қилиб вояга етказиш, онлада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва боаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шайхонтохур туманидаги 6-сон болалар стоматология поликлиникасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

Болалар ўртасида интерактив ўйинлар, видеороликлар намойиши, ота-оналар билан олиб бориладиган суҳбат орқали онлада тиббий маданиятни ошириш, болалар онгига соғлом турмуш тарзи кўникмаларини сингдириш, оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олиш бора-сидаги ишлар самарасини янада кучайтириш — ушбу тадбирнинг асосий мақсадини ташкил этди.

— Мамлакатимизда соғлом она ва соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлангани соғлиқни сақлаш тизи-

ми ходимларига катта масъулият юклайди, — дейди 6-сон болалар стоматология поликлиникаси бош шифокори Лола Хонходжаева. — Поликлиникада мазкур туманда истиқомат қилув-

КЕЛАЖАК НИҲОЛЛАРИ

чи 18 ёшгача бўлган жами 95498 нафар болаларга стоматологиянинг барча йўналишлари бўйича ёрдам кўрсатилади. Болажонларга хизмат кўрсатиб келаётган поликлиникада даволаш, жарроҳлик, ортодонтия хоналари, марказий зарарсизлантириш бўлими ва техниклар лабораториясини ўз ичига олган марказий поли-

ЖАЖЖИ ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида «Менинг орзум» почта маркаларини тантанали равишда махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 15 январидан 15 мартгача «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда «Дунё болалар нигоҳида» махсус почта маркаларини чоп этиш учун «Менинг орзум» мавзусида болалар ижодий расмлари республика танловини ўтказди.

Ушбу танлов ўсиб келаётган ёш авлодни филателияга қизиқтириш, янги сюжетлар излаш, почта маркалари чоп этилишига жамоатчилик диққатини жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар турли хил танловлар, кўргазмалар ёшларнинг тасвирий санъатга қизиқишини янада ошириш, қобилияти ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш авлод маънавияти ва бадий-эстетик дидини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлашди. Танлов ҳайъат аъзоларига 8 ёшдан 12 ёшгача номинация бўйича 1227 та болалар расмлари тақдим этилгани ва ғолиблар аниқлангани маълум қилинди.

Танлов натижаларига кўра 1-ўринни «Менинг орзум» (Космонавт) расми учун 8 ёшли Сардор Сулейманов эгаллади. 9 ёшли Камила Аҳмадованинг «Менинг орзум» (Кувноқ камалак) ном-

ли расми 2-ўринга лойиқ топилди. 3-ўрин «Менинг орзум» (Дўстлик) расми учун 11 ёшли Валерия Фомичевага насиб этди.

— Мен Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактабидан ўқийман, — дейди 1-ўрин ғолиби Сардор Сулейманов. — Уч йилдан бери Болалар ижодиёт марказининг расм тўғрагига қатнашиб Ирина Владимировнадан расм чизиш сирасорларини ўрганиб келялман. Онамнинг айтишича икки ёшдан расм чизишга қобилиятимни намойиш этган эканман. Расм бўйича қўриқ-танловларда мунтазам қатнашаман.

Ғолиб бўлган болалар расмлари асосида «Менинг орзум» махсус почта маркалари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси буйруғи билан 2014 йил 30 майдан мўмалага қиритилди.

Тадбирда Арт-бюро «Калибри» модалар мактабининг «Марварид» болалар гуруҳининг миллий рақслари, модалар намойиши ўтказилди.

Тадбир давомида ғолибларга эсдалик совғалари ва фаол иштирок этган қатнашчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур маҳалласи ҳудудида жойлашган 547-мактабгача таълим муассасасида Халқаро болалар кунига бағишланган байрам тадбири унинг ҳар бир қатнашчиси қалбига бир олам қувонч бағишлади.

Амир Темур маҳалла фуқаролар йиғини, 547-мактабгача таълим муассасаси ҳамда Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамкорлигида уюштирилган маросимни кириш сўзи билан очган маҳалла оқсоқоли Эркин Ҳўжаев, 547-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Эльмира Маҳмудова, «Баркамол авлод» болалар маркази директори Тамара Мирсоатова ва бошқалар мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган ибратли ишлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳақида фахрлиниб гапирдилар.

Маросимда ўз куй-қўшиқлари билан қатнашган Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» маркази ёшларининг чиқишлари, шеърхонлик, доирачилар ансамбли ижросидаги оҳанграбо тароналар, 547-мактабгача таълим муассасаси тарбияла-

нувчиларининг шўх рақслари йиғилганларга хўш кайфият туҳфа этди. Ижодий танлов ғолибларига, эркатой болаларга ҳомийлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди.

— Бугунги тадбиримиз «Бола кулса — олам кулади» деган пурмаъно нақлга жуда мос тарзда ўтказилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфия Расулий. — Унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Ҳомийларимиз ҳимматидан мамнун бўлдик. Байрам дастурини тайёрлашда фаоллик кўрсатган Азиза Усмонова, Дилбар Мадрохимова, Нозима Абдурахмонова, мактабгача таълим муассасаси, шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази ходимларининг сый-ҳаракатларидан миннатдоримиз.

Хондима СОЛИХОВ

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун ЭКОЛОГИЯ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кун муносабати билан экология ҳафталиги ўтказилмоқда. У Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экологик ҳаракат ижроия қўмитаси марказий кенгаши раиси Б.Алихонов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Абдусаматов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий муовини С.Приснер ва бошқалар Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда табиий мувозанатни сақлаш, ер ости ва ер усти заҳираларидан оқилона фойдаланишга қаратилаётган доимий эътибор барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда табиатдан фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва иқтисодий механизмлари яратилган. Тўрт юздан ортиқ қонун ва қонун ости ҳужжати бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, экологик қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда. 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун экологик лойиҳалар кўламини кенгайтириш, бу жараёндаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокни таъминлашда жиддий қадам бўлди.

Ўзбекистонда экологияга оид ўндан зиёд халқаро конвенция ратификация қилинган ва уларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилаётди. Биологик хилм-хилликни асраш, ўрмонларни кенгайтириш, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофазалаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, чўлланаш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш, сувни тежашга йўналтирилган лойиҳалар бунга мисолдир.

Ушбу йўналишда изчиллик билан амалга оширилаётган стратегик дастурлар самарасида юртимизда сув, ҳаво, тупроқ мусофоллигини асраш, аграр тармоқда сув сарфини камайтириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш, ноёб турларни қўпайтириш, табиий муҳит барқарорлигини таъминлашда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган экология ҳафталиги бу борадаги ишлардан халқимизнинг хабардорлигини ошириш, табиатни асрашга оид тадбирларда кенг жамоатчилик, хусусан, ёшларнинг фаоллигини кучайтириш, жамиятимизнинг барча соҳаларида табиий барқарорликка хизмат қиладиган яшил технологияларни жорий этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳафталик доирасида юртимизнинг барча ҳудудидида турли акциялар, оммавий тадбирлар, кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилган. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги бир қатор олий ўқув юртилари ва академик лицейларда экологик қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, барқарор ривожланишга хизмат қиладиган замонавий технологиялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш масалаларига оид илмий анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, ёш ижодкорлар танловлари ўтказиш режалаштирилган. Тадбир доирасида замонавий саноат корхоналарида қўлланилаётган яшил технологиялар намойишига оид экологик медиатурлар уюштирилади.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЖИЗЗАХДА КЎРИШГУНЧА ХАЙР, «БАРКАМОЛ АВЛОД!»

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Баркамол авлод» — 2014-спорт уйинларида Наманган вилояти ёшларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашга ҳисса қўшганидан хурсандман, — дейди теннис бўйича олтин медал соҳибига Ҳумоюн Султонов. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг амалдаги ифодаси — Наманган шаҳрида қад рўстлаган замонавий спорт иншоотлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ёшларга нафақат жаҳон стандартлари асосида билим бериш, балки уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун шароит яратишдан иборат. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Баркамол авлод» — 2014-дастури доирасида спорт мусобақалари билан бир қаторда қўлаб маданий-маърифий тадбирлар — танқил спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндлари билан учрашувлар, Наманганнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди.

...Стадион узра майин мусика садолари остида «Баркамол авлод» — 2014-спорт уйинларининг байроғи туширилди. Уни наманганлик ёш спортчилар академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Жиззах вилояти вакилларига топширди.


Навбатдаги «Баркамол авлод» мусобақасининг финал босқичи Жиззах вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, — дейди Жиззах олимпия заҳиралари коллежи сузиш бўйича мураббийси Файрат Усмонов. — Уч босқичли улуксиз спорт тизимининг ўрта бўғини мусобақалари бизнинг вилояти-мизда ҳам юксак савияда ўтишига ишонамиз.

«Баркамол авлод» — 2014-спорт уйинларининг машъаласи аста-секин сўнади. Бироқ у мусобақа катнашчилари қалбига жо бўлиб улгурди, бундан буён уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайверади.

«Баркамол авлод» — 2014-уйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмалли чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

«Баркамол авлод» — 2014-спорт уйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
Акромжон САТТОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



СПОРТЧИ ОИЛАЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши юзасидан шароитларни кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий ва жисмоний қомилликка эришишда спортнинг ролини болалар онгига сингдириш, оила аъзоларини турли уйинлар ва жисмоний машқларга қизиқтириш мақсадларини кўзлаб ўтказилган ушбу қизиқарли спорт мусобақаларида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ота-оналар 14 ёшга бўлган 2 нафар фарзандлари билан иштирок этди.

Мусобақа шартларига кўра иштирокчи оилалар эстафета, поездлар эстафетаси, арқон тортиш бўйича ўз куч-маҳоратларини кўрсатиб, ғалаба учун кураш олиб бордилар.

Миробод туманидаги 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ва ТХТМФМТЭЗ томонидан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб спортчи оилалар ўртасида «Отам, онам, мен — спортчилар оиласи» спорт мусобақалари ташкил этилди.

Беллашувлар давомида жамоаларнинг ҳар бир спорт турлари бўйича олган баллари алоҳида ҳисобланди ва умумжамоа ҳисобидаги ғолиблик тўпланган балларнинг йиғиндисида асосан аниқланди. Турнир якунида ғолиб ва совриндор бўлган оилаларга Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва Болалар

спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТДА: «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақасидан лавҳа
Козим Ўлмасов
олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрида 2014-2015 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2014 йил 16 июндан 8 августгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати

1-ИМ (М-1,4)

26 июнь ва 16 июль кунлари — Мустақиллик шоҳқўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Мухаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳрибод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқилшоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 мавзелари, ТошГРЭС кўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

4 июль ва 25 июль кунлари — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулок, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхонов, Р.Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув — 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони.

3-ИМ (М-1,4)

19 июнь ва 31 июль кунлари — Бунёдкор шоҳқўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур, Шифонур, Қорақамиш кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

23 июнь ва 24 июль кунлари — Амир Темур шоҳқўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, Баҳор, Қорақамиш кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, М-5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2,2/5 мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

18 июнь ва 22 июль кунлари — Амир Темур шоҳқўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонбод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Кулоқте-

па, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод мавзеси 1÷19 даҳалари.

5-ИМ (М-0,4)

25 июнь ва 15 июль кунлари — Чилонзор мавзеси 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, М, 20А даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал Хоразмий-1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Богистон, Фарход, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин кўчалари.

6-ИМ

24 июнь ва 14 июль кунлари — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитрат, Фаргона йўли кўчалари, Қўйлик — 1÷7, Қўйлик — Айланма йўли турар жой мавзелари.

7-ИМ

3 июль ва 23 июль кунлари — Қорасув, Бешарик, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Оҳангарон шоссеси кўчалари, Тузел — 1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод —1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

8-ИМ

1 июль ва 16 июль кунлари — Сергели 1÷8А, Йўлдош — 8,15,16,17, Дўстлик — 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Мехригиё, Сўғдиёна, Қипчок, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Кўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

30 июнь ва 17 июль кунлари — Чилонзор мавзеси 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30, 31 даҳалари, Шарқ, Ал Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа, Фо-

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилинг.

зилтепа, Кичик ҳалқа йўли кўчалари.

10-ИМ

2 июль ва 21 июль кунлари — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо кўчалари, Қорақамиш 1-кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/3,2/4, Бешқўрғон-1,2,3,4, Қамарнисо, Ўз.МУ-ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино — 1,2, Белтепа микротуманлари, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

11 июль ва 8 август кунлари — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор мавзеси 1÷5, Е, И даҳалари, М-7 турар жой мавзеси.

ИЭМ (М-5,8)

27 июль ва 18 июль кунлари — Амир Темур шоҳқўчаси, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумарик, Я. Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Ҳайдар Алиев кўчалари, Кушбеги, Бошлик, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5,7 турар жой мавзелари.

«Водник» қозонхонаси

16 июнь ва 1 июль кунлари — «Сувсоз» турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ»-қозонхонаси

17 июнь ва 8 июль кунлари — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари доирасида, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Инсон чинакам бахтни
оилада топади.

Бутун оламнинг неъмату
лаззати оилавий ҳузур-
ҳаловатга етмайди.

Фаросат ақл билан гўзал.

Инсонни оила муҳити
шакллантиради.

Астойдил хоҳлаган нар-
сангга эришасан.

Ҳақни талашадилар,
ишни эмас.

Феъли тор кишини ҳаёт
ташвишлари асабий қилиб
қўяди.

Баъзилар умр савдосини
жуда осон ҳал қилишади.

Инсон минг бир азоб би-
лан дарахт кўкартирар
экан, унинг мевасидан
баҳраманд бўлишни ис-
тайди.

Ҳеч бир сир ўзоқ вақт сир
бўлиб қолмайди.

Миннат юракка тош
бўлиб ботади.

Такдир синовлари ким-
нинг аслида кимлигини
билдиради.

Ҳаёт зарбалари ожизни
синдириб, кучлини тоб-
лайди.

Одамлар ўзларига қизиқ
бўлмаган гапни эшитмай-
дилар.



Ўзгидромет

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида кўра, 4 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити ўзгариб туради, ёғингар-чилик бўлмайди. Шарқдан рарли моддаларнинг сақ-секундига 3-8 метр тез-ликда шомол эсади. яратади, тағмиқдори Харорат кечаси — 13-15, наст бўлади.

кундузи — 28-30 да-
ража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизма-
ти маълумотиға